

---

## “СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ?”

номли тадбир кўтаринки руҳда ўтди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус ижросини таъминлаш, Ёшларни она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, "оммавий маданият" ва бошқа турли ёт ғоялар таъсиридан асраш, навқирон авлоднинг жамиятда муносиб ўрин топишига кўмаклашиш, улар маънавиятини юксалтириш ҳамда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида 15-умумтаълим мактабида “Сен баҳорни соғинмадингми?”, деб номланган тадбир ташкил этилди.

Шу куни байрамона безатилган мактаб биноси ҳар кунгидан гавжум бўлди. Мактаб ҳовлисидаги дарахтларга маҳорат билан илинган гуллар худди дарахтлар ҳақиқий гуллагандек кишига ўзгача завқ бағишлайди. Тадбир доирасида уюштирилган миллий ўйинлар, “Ҳунарманд йигитлар” ва “Моҳир қўллар” тўғараклари аъзолари томонидан тайёрланган кўргазмалар намойиши, “Ёш математиклар” тўғараги аъзоларининг беллашуви, “Китобхонлар клуби” аъзолари ўтказаяётган янги китоблар тақдироти тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

“Кўчат экиб, боғ ярат” лойиҳасида мактаб боғидан ўзларига ажратилган ҳудудга турли мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтказаяётган ўқувчилар меҳнати олқишланди. Юқори синф ўқувчилари иштирокида уюштирилган “Чалпак сайли”да тайёрланган миллий таомларимиз – чалпак, кўк сомса, кўк чучвара ҳамда турли ширинликлар меҳмонлар ва қуйи синф ўқувчиларини мамнун этди.

Бундай тадбирлар ўқувчи-ёшларни доимо фаол бўлишга ундаб, юртимизни янада обод ва гўзал қилишга бўлган интилишларини кучайтириши шубҳасиз.

Бувайда тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2020-03-03 15:19:59